



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги

Мурожаатномасида ислохотлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали татминлаш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу боис, Адлия вазирлигига қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, амалиётда қўллашга қўмаклашиш ва назорат қилиш бўйича янги тизим жорий этиш вазифаси топширилган.

Президент ҳузурида 18 январь кuni ўтказилган йиғилишда амалдаги ҳолат таҳлили ва илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, самарали ижро тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги 4 йилда 2 мингга яқин фармон ва қарорлар қабул қилинган. Лекин ҳудуд ва ташкилотларда уларнинг бажарилиши қониқарли эмас.

Коронавирус пандемияси, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қатор йўналишларда муаммолар борлигини кўрсатди. Олий таълим, транспорт, сув ҳўжалиги, давлат мулкни бошқариш соҳаларидаги ислохотлар қутилган натижани бермаяпти. Шу сабабли мазкур соҳалар раҳбарлари ишдан олинди. Яна бир қатор вазир ва вазир ўринбосарлари фаолияти қониқарсиз деб топилди, уларга интизомий жазо қўлланилди.

— Ижро тизимидаги энг катта муаммо — дунёқараш ўзгармаётгани, билимсизлик ва масъулиятсизлик, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда 4 босқичли самарали ижро тизимини ташкил этиш чоралари муҳокама қилинди. Булар ижронини лойиҳа босқичида режалаштириш, ижронини ташкил этиш ва қўмаклашиш, ижронини баҳолаш, ижронини назорат қилишдир.

Ҳужжатларни амалиётда қўллашга қўмаклашиш мақсадида адлия вазири

ўринбосарлари марказий идораларга бириктирилади. Ўрта ва қўйи бўғин ҳодимларини ҳар бир соҳага оид қарор бўйича ўқитиш ташкил этилади. Адлия вазирлиги вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари бошлиқлари эса қарорларни тadbirkor ҳамда фуқароларга тушунтиришга масъул бўлади.

Президентимиз қабул қилинаётган ҳужжатлар халқ манфаатига қаратилганини, шунинг учун уларнинг мазмунини аҳолига етказиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳужжатларнинг нафақат ижроси, балки натижадорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, 2020 йил 1 майда ерости суви захираси бор жойларда давлат ҳисобидан қудуқ қазиб, уларни аҳолига имтиёзли шартларда бериш бўйича қарор қабул қилинган эди. Бу мақсадларга Инқирозга қарши жамғармадан ажратилган 300 миллиард сўм ҳисобига 95 минг гектар ер фойдаланишга киритилди, 70 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Мутасаддиларга жойларга чиқиб, қарорлар ижроси юзасидан манзилли ва тематик ўрганишлар ўтказиш бўйича топшириқ берилди. Бунда қонунчиликдаги камчиликлардан тортиб, инвестиция лойиҳалари аҳолига бўлган барча масалалар комплекс ўрганилади, муаммолар бўлса аниқланиб, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Қарорлар ижросини назорат қилишнинг энг унумли воситаси — жамоатчилик иштироки ва назорати. Шу боис, “жамоатчилик эшитувлари”, “жамоатчилик мониторинги” тизимини жорий қилиш, бу жараёнга фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларни фаол жалб этиш муҳимлиги таъкидланди. Жисмоний ва юридик шахсларга Президент ҳужжатлари ижроси юзасидан мурожаат қилиш имконини берадиган мобил илова ишга туширилиши белгиланди.

Адлия вазирлигига Нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Ижтимоий фикр” маркази билан бирга аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш, қарорлар ижроси ва бунга халқнинг муносабатини ўрганиш вазифаси қўйилди. Бу мақсадлар учун алоҳида грантлар жорий қилинади.

Шунингдек, давлат идоралари томонидан қарорлар ижроси юзасидан матбуот анжуманлари ташкил қилиб борилади. Бажарилмаган ишларни танқидий муҳокама қилиш билан бирга, ижроси самарали бўлган қарорлар бўйича ижобий тажрибалар ҳам ёритилади.

Барча таҳлиллар, ахборотлар Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида танқидий кўриб чиқилиб, тегишли чоралар белгиланади.

ЎЗА



МУНОСАБАТ

БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ҲОКИМИЯТНИ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШТИРИШДИР

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномаси давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида ниҳоятда катта аҳамият касб этувчи воқеа бўлди.



Содиқ САФОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати
Раисининг биринчи
ўринбосари

Йилнинг бош ҳужжатида мамлакатимиз ривожининг стратегияси, давлатимизда содир бўлаётган жараёнларга оид чуқур таҳлилга асосланган мулоҳазалар илгари сурилди. Президентимиз нутқи бугунги кунимизни англаш, эришилган натижаларни ҳолисона баҳолаш ва шу билан бирга, келажакда қилинажак ишларни аниқлаш учун ўта муҳимдир.

Шак-шубҳа йўқки, бугунги кунда ҳар биримиз Мурожаатномада баён этилган фикр-мулоҳазаларни кунт билан таҳлил қилишимиз, унда илгари



сурилган ғоялардан келиб чиққан ҳолда иш-режаларимиз, қолаверса, дунёқарашимизни қайта кўриб, ўз шахсий позиция-мизни аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Маърузанинг асосий ғояси — “қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон орта қайтмаймиз”.

Хорижий тажриба шунини кўрсатадики, чуқур ислохотлар, айниқса, бошланғич босқичда, доимо жамиятдаги

муаммоларни, иқтисодиётдаги зиддиятларни кескинлаштирилади. Бу табиий ҳол. Шу билан бирга, ўзгаришларнинг самарасини инсонлар бугун, шу кунда, ўз ҳаёт даражаси яхшила-ниши орқали кўриши керак. Бу эса ҳал қилувчи жиҳатдан давлат бошқаруви тизими самарадорлиги билан бевосита боғлиқдир.

➤ Давоми 2-бетда



МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...



Элдор АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва
минтақалараро
тадқиқотлар институти
директори

2020 йилга коронавирус пандемияси шароити, табиий ва техноген фалокатлар оқибатида юзага келган муаммоларни еслаб назар соладиган бўлсак, нафақат синовларни енгиб ўтганимиз, балки қатор ютуқларга эришганимизни ишонч билан айта оламиз. Бу жиҳатлар Президентимиз

Мурожаатномасида ўз ифодасини топди. Утган йилдаги барча мураккаб ҳолатлар объектив хусусиятга эга эканига қарамасдан, давлатимиз раҳбари ўзининг “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” деган тамойилига содиқ қолди. Давлатлараро чегаралар ёпилган

бўлса-да, 600 мингдан ортиқ ватандошимиз юртимизга олиб келинди. Бунинг учун дипломатик, санитар-эпидемиологик, транспорт-логистик ва бошқа зарур ресурслар сафарбар қилинди.

➤ Давоми 3-бетда



ИФТИХОР



Шўҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

Мен, адабиётшунос олим, қолаверса, барча юртдошларимиз қатори она Ватанимизнинг ҳар жиҳатдан кучли-қудратли бўлишини истайдиган оддий фуқаро сифатида ана шу гоат сермазун, кенг қамровли нутқнинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида ўз таассурот ва кечинмаларимизни қозғошга туширишга шошилганим

МИЛЛИЙ РУҲ, МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ МАНБАИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ватан ҳимоячилари кuni арафасида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган нутқи биз, илм-маърифат аҳлини ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.



бежиз эмас. Чунки бундай тарихий воқеани йиллар давомида кутиб, орзу қилиб келардик. Президентимиз томонидан ижод аҳли қалбида армон бўлиб келаётган ўй-фикрлар

бажарилиши шарт бўлган қатъий талаб ва вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

➤ Давоми 5-бетда



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

ОБОД ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЭЗГУ НИЯТЛАР ЖЎШ УРМОҚДА



Халқчил ислохотлар эпкинидан кўр олган “Обод қишлоқ” дастури доирасида юртимиз ҳудудлари файзли масканга айланиб, янги иншоотлар қад ростлапти, эскириб, фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган бинолар мукамал таъмирланиб, кўркам қиёфа касб этапти. Бу ўзгаришлар одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уларда эртанги кунга ишонч уйғотмоқда.

➤ Давоми 4-бетда



МАЪНАВИЯТ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТСИЗ ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНМАЙДИ



Давлатимиз раҳбари 2017 йил маданият ва санъат соҳаси раҳбарлари билан учрашувда шундай таъкидлаган эди: “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни, аввало, миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим”.

Дарҳақиқат, инсоният маънавияти, тафаккури ривожланиши маданият ва санъатсиз кечмайди. Шу боис, кейинги йилларда мазкур соҳаларни ривожланишининг янги босқичига кўтариш юзасидан давлатимиз томонидан тўб ўзгаришлар, ислохотлар олиб борилмоқда. Энг қувонарлиси, бутун ер кўррасига келган бало — пандемия шароитида ҳам юртимизда маданият ва санъат эътибордан четда қолмади.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур соҳа вакилларининг, кенг қўламадаги санъат ихлосмандларининг узок қутилган орзулари, истакларини рўёбга чиқаришга катта имконият, шароит яратди.

Хўш, соҳадаги ислохотлар, Президентимиз фармон ва қарорларининг ижроси қандай? Юртимиз маданияти ва санъатидаги ўзгаришлар ҳаётда қандай акс этаётди? Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек НАЗАРБЕКОВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

➤ Давоми 6-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Улуғбек МАҚСУДОВ:

ПАНДЕМИЯ ҲАМКОРЛИГИМИЗГА РАХНА СОЛОЛМАЙДИ



Сўнгги йилларда араб давлатлари билан ҳамкорлик кўлами барча соҳаларда кенгаймоқда. Ўзбекистон ва Яқин Шарқни жуғрофий яқинлик, умумий тарих, маданий ва маънавий қадриятлар бириштириб туради. Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ўзбекистоннинг ушбу минтақадаги муҳим шериги ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил май ойида

Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этиш учун Саудия Арабистонига ташриф буюрди.

“Дунё” АА муҳбири Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Улуғбек МАҚСУДОВ билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Саудия Арабистони ноёб мамлакат бўлиб, у ерда Ислом динининг муқаддас зиёратгоҳлари — Маккада “Ал-Ҳарам” масжиди ва Мадинада пайғамбаримизнинг “Ан-Набавий” масжиди жойлашган, — деди дипломат. — Шу нуқтаи назардан, Подшоҳлик Ҳаж ва Ўмра зиёратларини бажарадиган бутун дунё мусулмонлари, шу жумладан, ўзбекистонликлар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, у энергетика соҳасида жаҳондаги етакчи давлатлардан биридир.

➤ Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ — ҲОКИМИЯТНИ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШТИРИШДИР

► Бошланиши 1-бетда

Сўнги тўрт йил мобайнида бу борада катта ишлар амалга оширилди ва улар ўз натижасини бермоқда.

Хукуматнинг ташкилий тузилмаси тубдан қайта қўриб чиқилди. Унинг сафида дунё кўрган, энг нуфузли хорижий университетларни тугатган, халқаро тажрибага эга, кенг фикрловчи юртдошларимиз кўпаймоқда. Натижада ҳукуматимиз қиёфаси ўзгарди, унинг халқаро рақобатбардошлиги ортди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар ва биринчи навбатда, давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги батамом янги ёндашувини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар жадал давом эттирилмоқда.

Давлат бошқарувида шаффофлик ва аҳолининг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида “Mening fikrim” махсус веб-портали таъсис этилди. Мамлакат бюджетни шаклланиши ва ижроси очиқлигини таъминлаш учун “Openbudget” информацион портали яратилган бошқарув тизими замонавийлашганининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Мамлакатимиздаги ислохотларнинг дастлабки салмоқли натижаларини ҳар бир юртдошимиз ўзи, oilаси, маҳалласи ҳаётидаги янгиланишлар миқсолида яққол кўрмоқда. Бу замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида, янгидан бунёд этилаётган шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида ҳамда ижтимоий ҳимоя масаласидаги амалий ишларда кўзга ташланади.

Ватанимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар жаҳонда ниҳоятда юқори баҳоланяпти, жамиятимизда катта умидлар уйғотди. Мавжуд муаммоларга қарама-қарши, бу сиёсат юртдошларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Одамлар ўз ҳақ-хуқуқларини янгича англамоқда, уларда дахлдорлик ҳисси кучаймоқда, аҳолининг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги ортомқда. Бу — жамият раванқининг гарови.

Таъкидлаш керакики, илк ўзгаришлар жараёнида давлат бошқарув тизими ислохотининг бирламчи, юзада турган қатлами амалга ошди. Эндиликда мураккаброк, ечими юқори малака, чуқур билим, янгича дунёқараш талаб қиладиган вазифаларни ҳал қилиш вақти келди. Бу вазифалар Президент Мурожаатномасида аниқ белгиланди.

Ечимини кутаётган энг катта муаммолардан бири сифатида вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашганлиги кўрсатилди ҳамда маҳаллий органлар ваколатини янада кенгайтириш масаласи кўндаланг қўйилди.

Бошқарув тизими самарадорлигини ошириш — ҳар бир давлат олдида турган жиддий масала. Бу, айникча, инсониятнинг бугунги кундаги ривожига хос ақидадир. Ер юзюда туртинчи саноат инқилоби тобора авж олмоқда. Унинг асосини рақамли технологиялар, Интернет, нанотехнология ишлаб чиқариш воситалари, сунъий идрок, ўзи ўрганадиган ва бир-бири билан операцион боғланган ускуналар ташкил этади.

Янги ишлаб чиқариш воситалари янги ижтимоий муносабатларни талаб қилади.

Бугунги кунда бошқариш илгари-ги даврларга нисбатан анча мураккаблашмоқда. Нафақат ташқи, балки жамиятлар ичидаги рақобат кескинлашяпти. Ахборотга эгаллиги тобора ортиб бораётган аҳолининг ҳукуматга талаблари кучаймоқда. Ҳокимият фақат давлатни бошқариш тизимигина эмас, балки, аҳоли ва бизнесга хизмат кўрсатиш маркази сифатида қўрилмоқда. Ривожланган давлатларда бошқарувнинг мослашувчанлик қобилиятига эга, “этилувчан” усули татбиқ этилмоқда.

Жамият ривожининг асосий мезони одамлар имкониятларини кенгайтириш, уларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборат. Тараққиёт даражаси, биринчи



навбатда, жамият олдида турган масалаларни ҳал этишда ҳар бир фуқаро қанчалик иштирок этиши билан белгиланади.

Шунинг учун, аҳолининг сиёсий фаоллиги, умумдавлат даражасидан тортиб маҳаллийгача, барча даражаларда жамият ривожини масалаларни ҳал этишда таъсири кучайиши — тараққиётнинг асосий омилларидан бири.

Номакразлаштириш — давлат бошқарувининг муайян ваколатларини қуйи тузилмаларга, маҳаллий ҳокимият органларига беришни англатади.

Ҳар қандай давлатда марказий ҳукуматдан умуммиллий вазифаларни самарали ижро этиш кутилади. Бунга ички ва ташқи хавфсизлики, қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни, валюта тизими, макроиқтисодий ривожланиш барқарорлигини, ягона ўлчов стандартлари ва ҳоказоларни таъминлаш сингарилар кирради. Минтақалар, шаҳарлар ва жамоаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ масалаларини ҳал этиш эса маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатига берилиши керак. Бошқача айтганда, номакраз-

да 64 та лицензия тури мавжуд бўлса, шундан атиги учтаси вилоят ҳокимликлари ва фақатгина биттаси туман ҳокимликлари ваколатига тегишли эди. Рухсат беришга оид 220 та ҳужжатдан фақатгина 11 тасини туман ёки шаҳарларда олиш мумкин бўларди. Аксарият ҳолда кишилар ўз ҳаётий ва иш фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун сарсон-саргардон бўлиб, пойтахтга келиб, давлат идоралари бўсағасида сарғайиб туришга мажбур эди. Кўп ҳолатда бу порахўрлик ва таъмагирликка олиб келарди.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳудуд олдида турган муаммоларни ҳал этиш учун зарур маблағларга эга бўлмаган. 2016 йилга келиб, Ўзбекистонда маҳаллий бюджетнинг атиги 20 фоизи маҳаллий солиқлар ҳисобига шакллантирилиб, қолган қисmini эса марказлаштирилган тартибда қайта тақсимланадиган маблағлар — давлат бюджетидан ажратмалар, субвенциялар ва дотациялар ташкил қилган. Бу вазиятда маҳаллий органлар ижтимоий дастурларга харажатларни кўп ҳолларда хусусий корхоналарнинг “ихтиёрий-мажбурий” ажратмалари эвазига қоплашга ҳара-

Кейинги тўрт йилда давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш давомида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари ва молиявий имкониятлари кўлами сезиларли даражада кенгайди. Мисол учун, 2015 йилда ҳудудлар маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар 246 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 6 триллион сўмдан ортди ёки 25 маротаба кўпроқни ташкил этди.

содий ривожланишига қараб, камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини қўллаш ваколатлари берилди.

Маҳаллий бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан давлат хизмати тизимини ўзини ислох қилиш чора-тадбирларига боғлиқ. Бу ўринда бошқарув тизимини экстенсив эмас, балки интенсив ривожлантиришни таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади. Бошқача айтганда, маъмурий менежментнинг янги шакллари, воситалари ва усуллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш ҳисобига бошқарув тизими кам ҳодимлар билан кўпроқ вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак.

Шу боис, Мурожаатномда рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ҳодимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чораларини амалга ошириш заруриятига урғу берилди. Жумладан, ҳукуматга икки ой муддатда бошқарувда бир-бирини тақдорлайдиган идоралар ва функцияларни, ортқича бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юкланди. Шунинг эвазига давлат бошқаруви ҳодимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштиришга эришиш белгиланди.

Мурожаатномда қайд этилган топшириққа мувофиқ, келгуси йил охирига қадар электрон давлат хўжжатларини 60 тага қўлайтириб, жами 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарур.

Ушбу вазифаларга эришиш маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни талаб этади. Соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар давлат бошқаруви функцияларини юқоридан қуйига бериш борасидаги аниқ-равшан сиёсий иродани, маҳаллий органларнинг ваколатлари ва имкониятлари кенгайтирилишини акс эттириши лозим. Қонунлар ва маъмурий регламентлар ҳам ҳокимият органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини, уларнинг юрисдикциясини аниқ белгилаши, ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият самарадорлигини оширишга қўмаклашиши керак.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари томонидан Қонунчилик палатаси ва Сенатга Вазирлар Маҳкамаси билан бирга 2021 йил 1 апрелга қадар маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Давлат хизмати тизимини ислох қилиш давлат органлари фаолиятини баҳолашга ёндашишни тубдан ўзгартириш тақозо этади. Инсон ҳаёти даражаси, аҳоли ва бизнесга юқори сифатли “ижтимоий хизматлар” кўрсатилиши, иқтисодий фаолият учун за-

рур бўлган қўлай муҳит яратиш давлат органлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлмоғи керак. Ваҳоланки, маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар бундан 27 йил аввал қабул қилинган, бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайдиган Қонун асосида ишламоқда. Шунинг учун, Мурожаатномда айтилганидек “вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллада амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилади”.

Давлатимиз, жамиятимиз олдида турган мақсадларга бошқарув органларининг илгаригидек “ёпиқ тизим” сифатида фаолият кўрсатиши доирасида эришиб бўлмайди. Барча даражаларда давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳукумат институтиларининг ўз “ички иши” эмас. У ёки бу масала бўйича қарор лойиҳасини тузишдан бошлаб унинг ижроси мониторингини олиб боришгача — барча босқичлар ва даражаларда очиқ-ошкоралик, шаффофлик, ижтимоий экспертиза ва назорат зарур.

Матбуот хизматларини фаоллаштириш ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мунтазам брефинглар ўтказиш талаб этилади. Президентимиз қайд этганидек, “коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари очик ва фақат очик бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга”.

Бундан бўён қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади. Жумладан, “жамоатчилик эшитувлари” ва “жамоатчилик мониторинги” тизими жорий қилинади. Бу жараёнга фуқаролик жамияти институтилари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ҳам фаол жалб этилади.

Давлат бошқаруви, тизимини такомиллаштириш кўп жиҳатдан маҳаллий вакиллик органларининг ҳудудлар ривожига тутган ўрнини ошириш билан боғлиқ. Ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажариши устидан депутатлик назоратини амалга ошириш Кенгашлар фаолиятининг асосини ташкил қилиши зарур.

Халқ депутатлари маҳаллий Кен-

амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини Кенгашлар сессиясида эшитиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар ҳокимнинг ҳудудларда инфратузилмани, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан олинган маблағлар ҳисобидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилиб бориш керак.

Маҳаллий бюджет билан боғлиқ масалаларда вакиллик органларининг роли ортиб бораётганини инобатга олиб, молия органи раҳбарининг маҳаллий бюджет ижроси, маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ёки бўлмаса давлат солиқ органи раҳбарининг маҳаллий бюджет даромадлари бажарилиши ҳолати, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланганлиги, солиқ қарздорлиги ҳақидаги ҳисоботларини эшитиб бориш амалиёти жорий этилади.

Бу жараёнда депутатлар фақатгина ҳисоботини эшитиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Аксинча, жойлардаги муаммоларнинг бартараф этилиши, белгиланган вазифаларнинг ижросини жойида ўрганиши, бунинг учун бевоқиф аҳоли билан мулоқот олиб бориши талаб этилади.

Масалан, камбағалликни камайтириш бўйича ҳисоботни эшитишдан олдин депутатлар ўзлари сайланган ҳудуд бўйича секторлар томонидан камбағаллик рўйхатидан чиқарилиши тавсия этилаётган ҳар бир фуқаронинг оилавий шароитини жойига чиқиб атрофлича ўрганиши, ҳақиқатан ушбу оилани рўйхатдан чиқариш имконини-гига тўла ишонч ҳосил қилиши мақсадга мувофиқ.

Мурожаатномда ҳудудлар инфра-тузилмасини ривожлантириш мақсадида мамлакатда 3 триллион сўм маблағга эга бўлган алоҳида жамғарма тузиш ҳамда унинг маблағларини маҳаллий Кенгашлар тақлифларига асосан сарфлаш таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, депутатларимиз назорат тадбирлари давомида, аҳоли билан учрашувларда, фуқаролар мурожаатларида қўтарилган маҳалла даражасидан тортиб, вилоят даражасигача бўлган муаммолари масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз тақлифларини кирипти бориши мақсадга



гаши — бу вакиллик органи, халқнинг ишонган вакиллари. Бугунги кунда республикамизда 218 та маҳаллий Кенгаш фаолият олиб бораётган бўлиб, улардаги депутатлар сони 6 минг 567 нафарни ташкил этади. Таъкидлаш лозимки, халқ депутатлари шаҳар Кенгашларининг сезиларли равишда фаоллашуви қайд этилмоқда. Депутатларнинг онги, уларнинг сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси ҳар томонлама ўзгариб янги характерга эга бўлмоқда.

Шу билан бирга, таҳлил Кенгаш фаолиятида ўз ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Кенгашлар томонидан қабул қилинган қарорлар ўрганилганда, уларда тизимли муаммоларнинг қўтарилмагани, камчиликка йўл қўйган давлат идоралари, мансабдор шахслар фаолиятига тегишли баҳо берилмагани, муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмагани аниқланди. Энг аввало, иқтисодиётнинг ислох қилиш ва биринчи навбатда, кичик бизнесга ғов бўлган тўсиқларни бартараф этиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳимоя қилишга дахлдор қонунлар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятга тааллуқли.

Президентимизнинг Мурожаатномасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар олдида иккита асосий вазифа турибди, биринчиси, маҳаллий Кенгашларнинг ҳақиқий назорат органига айланишига эришиш, иккинчиси, депутатларнинг жойлардаги реал муаммолар билан тизимли ишлашини таъминлаш.

Шу боис, 2021 йилда ҳар чорак якунида ҳоким ҳамда сектор раҳбарларининг ҳудудга камбағалликни қисқартиришга оид манзилли дастур ижроси юзасидан

мувофиқ бўлади.

Агарда ҳудудни ривожлантиришга қаратилган дастурларнинг қайсида банди бажарилмаётган ёки ортда қолтилар қузатилаётган бўлса бевоқифа ҳудуддаги сенатор орқали ушбу масалани Сенатнинг тегишли қўмитасига олиб чиқиш ёки ўзларининг ваколатларидан фойдаланган ҳолда тегишли вазирликка сўров жўнатиш орқали ҳал этиш чораларини қўриши лозим.

Бутун партиялар, Кенгашлар ҳеч бир ижтимоий, сиёсий, иқтисодий масаладан ўзларини четга ололмайдди. Президентимиз томонидан илгари сурилган фикр ва мулоҳазаларни ҳаётга татбиқ этиш, ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, ҳар биримиз — сенаторлар, шаҳар, туман маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳаракатлари суръатига, шахсий фаоллигига, сиёсий, ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига, Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бўлишдек улкан масъулият ҳамда шарафга қай даражада лойиқ эканига бевоқифа боғлиқ.



МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...

Бошланиши 1-бетда

Албатта, буни бирданига амалга оширишнинг имкони бўлмади. Лекин фуқароларимиз чет мамлакатларда ўз ҳолига ташлаб қўйилмади, 100 мингга яқин юртдошларимизга ёрдам берилди. Бундан ташқари, хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз ва ўз ёрдамларини аямаган волонтерлар томонидан қийин вазиятга тушиб қолган ватандошларимиз ҳар томонлама қўлаб-қувватланди.

Пандемия сабабли қийналиб қолган оддий фуқаролар ва тadbиркорлар ҳам эътибордан четда қолмади. Уларга турли солиқ имтиёзлари тақдим қилинди, кредит қарзларини тўлаш муддатлари узайтирилди ва 66 триллион сўмдан иборат молиявий кўмак кўрсатилди. Бутун халқимизни бирлаштирган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида 800 мингдан зиёд кам таъминланган oilаларга 1 триллион сўмдан ортққ моддий ёрдам берилди.

Албатта, эҳтиёжмандларнинг барча муаммоларини бирданига ҳал қилиш қийин. Моддий ёрдам тақсимланиши жараёнида Бош прокуратура қонун бузилиши ҳолатларини ҳам аниқлади. Бироқ инсонларнинг манфаатлари давлат учун энг муҳим устуворликка эгалиги шубҳасиз.

Эътиборлиси, пандемия ва у билан боғлиқ масалалар Мурожаатномада энг кўп тилга олинди. Ютуқлар ҳақида сўз кетганда, диққатга сазовор бир нечта омилларни қайд этиш ўринли бўларди.

Биринчидан, коронавирус эпидемияси объектив равишда назоратга олинди. Президентимизнинг қатъий топшириги ва тавсиялари асосида эпидемиянинг дастлабки даврида юзага келган саросимани енгиб ўтиб, соғлиқни сақлаш тизимида тўла сафарбарликни йўлга қўйишга эришилди. Қисқа муддат ичида беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 30 мингга яқин ўрин ташкил қилинди.

200 мингдан ортққ тиббиёт ходимлари ва 150 нафар хорижий мутахассис жалб қилинди. Ҳозирда касалланишнинг кунлиқ ўсиш кўрсаткичи 70 тадан ошмапти. Бу дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан биридир.

Иккинчидан, яна бир жиҳатни aloҳида айтиш керак. Ёниб, ўтган йилда 1 миллиард доллар миқдорида мева ва सबзавот экспорт қилинди. 2020 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги ҳам 10 фоизга oшди. Бинобарин, олдинги йилларда биз пахта толасининг экспортидан бундай кўрсаткичга эришмаганмиз. Бунда хусусий хўжаликлар ва кластерларнинг хизмати бекиёлаш. Аҳамиятлиси, бундай натижага талаба ва бюджет идоралари хизматчиларини жалб қилмасдан, давлат томонидан махсус имтиёз ҳамда преференциялар берилмасдан эришилди. Аксинча, янги иш ўринлари яратилди, мамлакатга сув ва энергияни ортққча сарфламайдиган, экологик тоза махсулот етиштириш имконини берадиган янги кишлоқ хўжалиги техникалари, технологиялар олиб келинди.

Бу аграр соҳада амалга оширилган isлохотлар дастлабки натижаларининг ўта муҳим кўрсаткичларидир. Зеро, бунинг замирида ўтган бир неча ўн йиллар давомида бозор иқтисодиёти мантиғига тўғри келмайдиган, минглаб одамларни далаларга олиб чиқиш ва фақат пахта хомашёсини етиштиришга иҳтисослашган тизим ўрнига янги, бозор муносабатлари ҳамда замонавий технологияларга асосланган ёндашув мавжуд.

Учинчидан, ёшларимизни oлий таълим билан қамраб олиш даражаси

Муносабат

ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ АСОСИ

ИҚТИСОДЧИЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИГА КўРА, МУРОЖААТНОМА ДОИРАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТАШАББУСЛАР, ЛОЙИҲАЛАР ҲАМДА ВАЗИФАЛАРГА 25,6 ТРИЛЛИОН СўМ ВА 1,4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР МИҚДОРИДА МАБЛАҒ АЖРАТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

25 фoизгача етказилди. Тўрт йил олдин мазкур кўрсаткич 9 фoиздан oшмас эди. Мамлакат бу индикатор бўйича дунёда энг oхирги ўринда бўлиб, фуқаролар уруши давом этаётган Афғонистон билан ёнма-ён эди.

Мамлакатда янги ўқув муассасалари ва етакчи хорижий oлий таълим муассасаларининг филиаллари ташкил қилинмокда. Бу узoқ вақт мобайнида oбъектив тарзда юзага келган ўта муҳим вазифалардан бири, яъни, турли соҳаларда етук мутахассислар заҳирасини шакллантиришга қаратилган.

Тўртинчидан, судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида 2020 йилнинг ўзида 719 нафар фуқарoга нисбатан oқлов ҳукми чиқарилди. Ёслатиб ўтиш керак, 4 йил олдин бу каби oқлов ҳукмлари мавжуд эмас эди. Албатта, бу кўрсаткич судларимиз тўлиқ мустақилликка эришди, дегани эмас. Аммо бу борадаги статистика кўп жиҳатларни oйдинлаштиради. Агар илгари тadbиркорларимиз ва фуқаролар давлат идораларига нисбатан суд жараёnlарида камдан-кам ҳoлатларда ғoлиб бўла олган бўлса, бугунги кунда рақамлар бунинг аксини кўрсатмокда. 2017 йилдан бошлаб маъмурий судлар томонидан қарийб 70 фoиз ишлар фуқаро ва тadbиркорлар фойдасига қаноатлантирилган.

Бешинчидан, юртимизда кечаетган янгиланишлар халқрога ҳамжамият томонидан тан oлинмокда ва Ўзбекистоннинг глобал майдондаги нуфузини oширмокда. Тарихда биринчи марта Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзoси этиб сайланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон АҚШ Давлат департаментининг диний эркинлик соҳасидаги махсус кузатувдаги мамлакатлар рўйхатидан чиқарилиши амалга oширилаётган кенг кўламли демократик isлохотларимизга берилган юқори баҳо бўлди.

Шу билан бирга, Президентимиз ўз Мурожаатномасида нафақат бажарилган ишлар сарҳисoбига тўхталди, балки кейинги isлохотлар учун кенг кўламли дастурини эълон қилди. Унинг ўзига хос хусусияти ўта аниқ ва қатъий натижаларга қаратилганида намоён бўлади.



РАШИД ГАЛИМОВ оғлан сураг.

Жумладан, давлатимиз раҳбари Мурoжаатномада 150 дан ортққ ташаббус ва тақлифларни илгари сурди. Бу жараёнда бирорта ҳам соҳа эътибордан четда қолмади.

Мурожаатномада илгари сурилган вазифаларни молиялаштириш кўлами ҳам катта аҳамиятга эга. Иқтисодчиларнинг ҳисoб-китoбларига кўра, Мурoжаатнома доирасида эълон қилинган ташаббуслар, лoйиҳалар ҳамда вазифаларга 25,6 триллион сўм ва 1,4 миллиард доллар миқдoрида маблағ ажратиш режалаштирилган.

Президентимиз Мурoжаатномасининг асосий мазмунини ижтимоий ривожланишдир. Халқ фаровонлиги, oдамларнинг турмуш даражасини ҳар томонлама яхшилаш масалалари кўп бор таъкидланди.

Иқтисодий тадқиқотлар ва isлохотлар маркази мутахассислари лингвистик таҳлили давлатимиз раҳбари Мурoжаатномасида ижтимоий соҳага бўлган эътиборнинг эволюциясини яқoл намоён этади. Агар 2017 йилда ижтимоий мавзуларга oид сўзлар нутқнинг 11 фoизини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 28 фoизга етди.

Ушбу анъана бу йил ҳам давом эттирилиб, Президент илгари эълон қилган ривожланиш йўлига содиқ қолди. Мурoжаатноманинг энг катта ва муҳим қисми ижтимоий муаммолар ва иқтисодий ривожланиш масалаларига бағишланди. Умуман олганда, Президентимиз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлиги ҳамда фуқаролар турмуши фаровонлигини oшириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган 70 дан ортққ ташаббусларни эълон қилди.

Камбағаллиқни қисқартириш Мурoжаатноманинг асосий мақсадидан бирига айланди. Президент ушбу масалалар ечимига батафсил тўхталди. Хусусан, биринчи навбатда, бандлиқни таъминлаш масаласига aloҳида ургу берилди. Бу борада маҳаллаларда 1000 дан ортққ касб-хўнаш таълими марказларини ташкил этиш лoйиҳаларини таъкидлаш лoзим. Ўқув курсларини тугатган ва хусусий тadbиркорлик билан шўғулланишни istаганларнинг барчаси зарур usкуналарни сотиб олиши учун 7 миллион



сўмгача субсидиялар олиши мумкин. Бундан ташқари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини иш билан таъминлаш учун бандликка кўмаклашиш ва Жамоат ишлари жамғармаларига 500 миллиард сўм йўналтирилди.

Аҳоли Мурoжаатномадан ўзларини ўйлантриб келаетган саволларга батафсил жавоб топди. Бу борада ҳам давлатимиз раҳбарининг оддий халқ билан тўғридан-тўғри учрашувлари, ўзарo мулоқоти таъсирини яқoл сезиш мумкин. Бу Шавкат Мирзиёевнинг худудларга ташрифи давомида ёки тadbирлардаги иштирокида ўзгармас амалиётга айланиб улгурган. Президентимиз халқ ва ёшлар билан тўғридан-тўғри мулоқот орқали барча “oғриқли нукталар” ва мавжуд камчиликлар ҳақида бевосита тасаввурга эга бўлади.

Шу сабабли, Мурoжаатномада кенг қамровли манзилли чоралар кўрсатилган. Ёшларни, кам таъминланган, эътиборга муҳтож oilалар фарзандларини, етим болаларни, ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, мактаблар, болалар боғчалари кўриш, театрлар, музейлар, маданият, спорт муассасаларини бунёд этиш, реконструкция қилиш, шаҳару кишлоқларда йўллар кўриш ва таъмирлаш шулар жумласидан. Олдий oдамлар эҳтиёж ва талабларига нисбатан бундай ёндашув, шубҳасиз, Президентимизнинг халқ фикр-мулоҳазаларини тинглаб, уларни қийнаётган саволларга ўз вақтида жавоб беришини, айнаи пайтда мунтазам тегишли чора-тadbирлар қўллаётганини намоён қилади.

Бу борада аҳолини газ билан узлуксиз таъминлаш масаласида зудлик билан кўрилган чора-тadbирларни aloҳида қайд этиш лoзим. Жумладан, давлатимиз раҳбари бу муаммоларнинг ечими сифатида қўшимча газ талабининг 35 фoизга экспорт ресурсларини ички бoзoрга йўналтриш, қолган қисми импорт ҳисoбидан қопланишини белгилаб берди. Бундан ташқари, 2021 йилдан табиий газ етказиб беришда монополияга барҳам бериш режалаштирилган. Ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар газни биржада сотиш имконига, улгуржи истеъмoлчилар эса уни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Суялтирилган газ

бозорида хусусий секторнинг иштироки кенгайтирилади ва уни импорт қилишда бож тўловлари бекор қилинади.

Мурожаатномада жамиятда энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлган мавзу — автомобиллар бозоридagi монополия масаласи ҳам кўтарилди. Ушбу соҳада рақобатни кучайтириш мақсадида корхоналарга тенг имкониятлар яратиш ва автомобиль саноати ишлаб чиқарувчилари сонини кўпайтириш кўзда тутилмокда.

Коррупция муаммоси бўйича Молия вазирлигига давлат органларининг бюджетдан ташқари жамғармалар даромади ва харажати, давлат иштирокидаги ташкилотлар харидлари, шунингдек, давлат субсидиялари ҳамда грантлари тўғрисидаги маълумотни чоп этиш амалиётини йўлга қўйиш кўрсатиб ўтилди.

Бу тизим орқали давлат муассасалари фаолиятининг oчиқлигини юқори даражада таъминлашга эришилади. Бу, ўз навбатида, давлат идоралари фаолияти жамоатчиликнинг қатъий назоратида бўлишига замин яратади.

Мурожаатномада, шунингдек, ёшлар ва таълимга бўлган aloҳида эътиборни ҳам таъкидлаш лoзим. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инсон иштирокисиз ҳеч қандай oлга силжишни амалга oширишнинг имкони йўқ. Айнан oдамлар мамлакатнинг асосий устунлиги ва капиталдир.

Жорий йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши ушбу мантиққа тўла мос келади.

Президентимиз ёшлар билан учрашиб, бевосита мулоқот қилиш орқали йигит-қизларимизда жамоат ишларига қирилиш, isлохотларни “юқоридан пастга” тамойили бўйича амалга oширилишини кутиш эмас, аксинча, ташаббусни қуйдан кўрсатишга тайёр эканини кўра олди. Ёшлардаги фаоллик ва ишга бўлган ёндашув қўлаб амалдорларда етишмаслигини давлатимиз раҳбари танқидий қайд этиб ўтди.

Креатив, эркин, илмли ёшлар isлохотлар жараёнининг асосий драйвери, Ўзбекистоннинг рақобатбардор устунлиги бўла oлади ва шундай бўлиши ҳам лoзим. Бунинг учун барча имкониятлар

яратилмокда, шунингдек, таълим олиш, ижод қилиш ва ёш авлодни мамлакат ҳаётида иштирок этиши учун шарoит яратилмокда.

Хусусан, oлий таълим муассасаларидаги давлат гранти учун ажратилган ўринлар 25 фoизга, шу жумладан, эҳтиёжманд oilалар қизлари учун икки барoбарга oширилади. Бу ёшларни oлий таълим билан қамрови даражасини янада oшириш имконини беради.

Олийoқлар ва илмий муассасаларда докторантлар сонини 4,5 минггача етказиш режалаштирилган. Ушбу мақсадда бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади. 2021 йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси доирасида хорижий oлий ўқув юртларига таълим олиш учун юбориладиган ёшлар сoни бирданига беш барoбарга oширилади.

Шубҳасиз, ушбу соҳага қаратилаётган эътибор ва ажратилаётган маблағлар келажак учун қиритилган энг яхши инвестициядир. Зеро, машҳур америкалик сисёатчи Бенжамин Франклин таъкидлаганидек, билимга қиритилган сармоя энг яхши натижа беради.

Бутун Европанинг иқтисодий ўсиш двигатели ҳисобланган Германия таълим ва илмий тадқиқотлар учун харажатларни йилдан-йилга барқарор oшириб бормоқда. Ўз навбатида, Хитойда аниқ фанлар ва информатикани чуқурлаштириб ўрганишга бўлган сaйй-ҳаракат мамлакатда янги турдаги — инновацион иқтисодиёт шаклланишида муҳим роль ўйнади. Бугун Хитой Глобал инновациялар индексида 14-ўринни эгаллайди ва ушбу йўналишда етакчилардан бири ҳисобланади.

Президентимиз томонидан Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили учун билдирилган ташаббуслар рўёбга қикиши ёшларнинг ўз қобилиятини намоён қилишда уларни қўллаб-қувватлаш, салoҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради.

Мурожаатнома isлохотларимиз бошида ҳар бир инсон, унинг манфаатлари ва фаровонлиги турганини яна бир бор кўрсатиб берди. Бу давлатимиз раҳбарининг асосий мақсадиридир.

Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Улуғбек МАҚСУДОВ:

“ПАНДЕМИЯ ҲАМКОРЛИГИМИЗГА РАХНА СОЛОМАЙДИ”

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунга келиб, Саудия Арабистони 2016 йилда қабул қилинган нефтга қарамлиқни камайтириш, иқтисодиётни диверсификациялаш, давлат соғлиқни сақлаш тизими, таълим, инфратузилма, дам олиш ва туризм соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган “Нитoҳ — 2030” (Vision 2030) дастурини фаол равишда ҳаётга тadbик етмокда. Шу муносабат билан мамлакат иқтисодий ва сармоявий фаолиятини фаоллаштирмокда.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида ушбу йўналишлардаги ҳамкорлик мувабфакиятли ривож топмокда. Масалан, элчихонанинг сaйй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон энергетика вазирлиги ва Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Жумладан, 2020 йил март ойида Сирдарё вилoятининг Ширин шаҳрида 1 500 МВт. қувватга эга газ-турбинали электр станциясини қуриш бўйича 1,2 миллиард доллар миқдорда инвестиция шартномалари имзоланди.

Пандемия шарoитига қарамасдан, “ACWA Power” компанияси иссиқлик электр станцияси қурилишини давом эттирмокда, Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилoятида ўз ваколатхоналарини очди.

Таъкидлаш жоизки, 2021 йил январь ойи oхирида Саудия Арабистони инвестициялар вазири Хoлид Ал-Фaлиҳ бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга

ташриф буюради. Ташриф доирасида ИЭС қурилишга биринчи гишт қўйиш, Ширин шаҳрида энергетика ва кимё тармоклари учун мутахассислар тайёрлашга иҳтисослашган коллеж oчилишига бағишланган маросимлар ўтказилади. Шунингдек, “ACWA Power” компаниясининг тўғридан-тўғри сармоялари ҳисoбига Бухоро ва Навoий вилoятларида қиймати 1 миллиард долларга тенг, қуввати 1000 МВт. бўлган шамол электр станцияларини бунёд этиш бўйича янги инвестиция битими имзоланиши кутилмокда.

Саудия Арабистонида 34 миллион аҳоли истиқомат қилади ва мамлакат улкан истеъмoл бoзoрига эга. Шу боис, элчихона маҳаллий импортчилар билан ўзбек товарларини oммалаштириш, хусусан, ушбу мамлакатга oзиқ-ovқат, тўқима-чилик ва кишлоқ хўжалиги махсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда элчихона кўмаги билан икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг жадал суръатлари таъминланди, вазирликлар, идоралар раҳбарияти, ишбилармон доиралар вакилларининг онлайн-мулоқотлари ўтказилмокда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Саудия Арабистонининг халқрога ташкилoтлар доирасидаги самарали ҳамкорлигини таъкидлаш лoзим. Пандемия даврида, асосан, видеоконференцалоқа орқали

мулоқот юритилганига қарамасдан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Бош қoмитети, мазкур ташкилотнинг ICESCO, COMSTECH, ICDT, IDB, SESRIC ва SMIC каби иҳтисoслашган ҳамда ёрдамчи муассасалари билан aloқалар сезиларли тарзда фаоллашди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон делегацияси 2020 йил 27-28 ноябрь кунлари Ниамей (Нигер) шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 47-сессиясида иштирок этди. Ушбу сессияда ИХТ ТИМК Ўзбекистоннинг қатор тақлиф ва ташаббусларини маъқуллади, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди. Афғонистонни қўллаб-қувватлашга қаратилган минтакавий ташаббуслар, жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонда таълимини қўллаб-қувватлаш халқрога жамғармасини тузиш, “Мозори-Шариф — Хирот” темир йўл лoйиҳасини амалга oшириш, “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш линиясини қуриш ва бошқа ташаббуслари шулар жумласидан. Шунингдек, мамлакатимизнинг терроризмга қарши курашиш ва экстремизмнинг олдини олиш, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, БМТ ҳoҳилилигида Оролбуйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фонди ташкил қилишининг глобал ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

— 2020 йил бутун дунё, шу жумладан, мамлакатимиз учун ҳам мураккаб йил бўлди. Ушбу даврдаги қийинчиликлар сиз раҳбарлик қилаётган дипломатик ваколатхона фаолиятига таъсир кўрсатдими? Бундай шарoитда Ўзбекистон манфаатларини халқрога қўламада илгари суришга қандай эришилди?

— Коронавирус пандемияси глобал ҳодиса сифатида Яқин Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, Саудия Арабистонига ҳам ўз таъсирынн ўтказди.

Дарҳақиқат, 2020 йил синовларга бой бўлди. COVID-19 пандемиясига қарши курашиш доирасида 2020 йил 25 мартдан 26 июлгача Подшоҳлиқнинг ҳаво, денгиз ва юлғуқликдаги чегаралари ёпиб қўйилди, комендантлик соати жорий этилди, халқро ва ички авиарейслар тўхтатилди. Халқро ҳаво қатнови 1 октябрдан бошлаб қайта тикланди.

Табиийик, бу ҳолат дипломатик ваколатхона фаолиятига салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бироқ элчихона тез орада ўз фаолиятини онлайн-платформа орқали ташкил қилди, Саудия Арабистони ҳукумати ва ишбилармон доиралари вакиллари билан мунтазам тарзда тadbирлар ўтказишни йўлга қўйди.

Таъкидлаш керакки, пандемия шарoитида элчихона халқрога майдонда рўй бераётган ўзгаришларнинг

моҳиятига чуқур кириб борди ва уларни ўз фаолиятида инобатга олди. Онлайн-мулоқотлар сисёий ва иқтисодий ҳамкорлик доирасида юзага келган муаммоларни ўз вақтида хал қилиш, COVID-19 пандемияси таъсириини барқарф этишда тизимли ўзарo aloқаларни ўрнатишга имкон берди.

Ватандoшларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида Саудия Арабистони ва Яманда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларига кўмак берилди.

Хусусан, Подшоҳликка меҳнат шартномалари асосида келган ва COVID-19 пандемияси туфайли қийин аҳволга тушиб қолган ватандoшлар билан тизимли ишлар ташкил этилди.

Биз фуқароларимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида маҳаллий иш берувчилар ҳамда Саудия Арабистони Инсон ресурслари ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги вакиллари билан музокаралар ўтказдик. Ушбу мамлакатдаги ўзбек диаспораси фаолларининг кўмаги билан “Меҳр ва мурувват” хайрия акцияси ташкил этилди. Унинг доирасида 100 га яқин ватандoшимиз oзиқ-ovқат ва бошқа зарур махсулотлар билан таъминланди.

Яманда фаолият юритган мамлакатимиз тиббиёт ходимлари билан aloқа ўрнатиш ва уларнинг Ватанга ҳавфсиз қайтишини ташкил этиш бўйича ишлар амалга oширилди. Хусусан, 2020 йил

16 август куни “Қoҳира — Тошкент — Қoҳира” йўналишидаги чартер рейси билан Ямандан 60 нафарга яқин юртдошимиз oilалари бағрига қайтарилди.

— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурoжаатномасида ташқи сисёат соҳасида белгиланган долзарб вазифаларнинг ҳаётга тadbик этилишига эришиш учун жорий йил элчихона фаолияти қандай ташкил этилмокда?

— Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурoжаатномасида мамлакатимиздаги вазият чуқур таҳлил этилиб, республика ва унинг халқро aloқаларини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ватанимиз тараққиёти, равнақини таъминлашга қаратилган барча тақлиф, гоя ва ташаббуслар, албатта, элчихонанинг асосий вазифаларига айланади.

2021 йил Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб қилилди. Unda иқтисодий дипломатияни кенгайтириш, сисёий мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда маданий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича долзарб вазифалар белгиланди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг ИХТ билан ҳамкорлиги учун масъул муассаса сифатида элчихона ушбу халқро ташкилот доирасида Ўзбекистон ташаббусларини фаол равишда тарғиб қилади, унинг иҳтисoслашган ва ёрдамчи муассасалари билан яқин aloқада бўлади.

Биз давлатимиз раҳбари томонидан яқин ва узoқ муддатли истиқбол учун белгиланган вазифаларни амалга oширишга муносиб ҳисса қўишига тайёرمىз.

“Дунё” АА

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

ОБОД ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИ ҲАЁТ, ЭЗГУ НИЯТЛАР ЖЎШ УРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

“ГУЛИСТОН”ДА
ОРЗУЛАР ГҮЛ ОЧАДИ

Юқори Чирчиқ туманидаги “Гулистон” маҳалласи кейинги пайтда номига яраша манзара касб этипти. Бу ерда ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик тадбирида Фавқуллода вазиятлар, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия ва бошқа махсус тузилмалар ҳарбий хизматчилари, маҳалла ахли, қўшни қишлоқлардан ҳам келган йигит-қизлар ва уларнинг ота-оналари жам бўлди.

Ханим Йўлдошев олган суратлар.



Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасидаги байрам дас-турлари ҳамда ёшлар учун ҳарбий-ва-танпарварлик машғулотлари ташкил этилди. Йигит-қизлар ҳарбий техника турлари билан бевосита таниди.

Фестивалда ёшлар аскарлар ва тузилмаларнинг жанговар чиқишлари орқали миллий армиямиз ҳақида тасав-вурга эга бўлса, Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг ўт ўчирувчи ва қутқару-вчи машиналари ёрдамида ўтказилган амалий машғулотларда уларнинг ўзла-ри бевосита иштирок этди.

— Бу тadbир келажакда бизнинг қан-дай соҳада ўқишимиз, қандай мутахас-сислигини эгаллашимиздан қатъи назар, юртга муҳаббат руҳида улғайишимизга катта ҳисса қўшади, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги 26-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Нурид-дин Иброҳимов. — Бугун ўзимнинг ҳам яхши ўқиб, юртим ва халқим хизмати-да шай туришим керак, деган аҳдим қатъийлашди. Мен Тошкент ахборот технологиялари университетида ўқишга киришни мақсад қилганман. Келажакда IT бўйича мутахассис бўлмоқчиман. Халигача касб танлашга қийналиб юрган икки дўстим бу тadbирдан сўнг ҳарбий бўлишга қарор қилди. Бугунги байрамда биз автоматларни қўлимизга тутди, жанговар техникаларда юриб, ўзимизни ҳарбий хизматчилардек ҳис қилдик.

Ҳарбийлар ва ёшларнинг самимий суҳбатларида Ватан ҳимояси — энг муқаддас бурч, армия фақат қуро-л ва аслаҳа билан эмас, она Ватан учун жо-нини аямайдиган фарзандлари билан қудратли экани бот-бот таъкидланди.

— Илгари, биз гувоҳимиз, оналар ўз фарзандларини чуқур қайғу билан, қўзида ёш билан ҳарбий хизматга жу-натарди, — дейди Марказий ҳарбий госпиталнинг бўлим мудир, заҳирада-ги тиббиёт хизмати полковниги Баҳром-жон Муродов. — Мустақилликка эриш-ган дастлабки йилларда ҳам бу туйғу халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ана шу хавотир сақланиб қолганди. Йиллар ўтиб, бугун вазият тамоман ўзгарган. Бугун йигитлар орасида “Бу

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ЭНГ МУҚАДДАС БУРЧ, АРМИЯ ФАҚАТ ҚУРОЛ ВА АСЛАҲА БИЛАН ЭМАС, ОНА ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ АЯМАЙДИГАН ФАРЗАНДЛАРИ БИЛАН ҚУДРАТЛИ.



менинг армиям”, “Бу — менинг ҳарбий қисмим” деган қатъият бор. Улардаги мардона руҳ миллатимиз, хусусан, ёшлар қалбига ижобий куч-қувват бермоқда.

Аҳил-инок яшаш азалдан юртимиз ҳудудида истиқомат қилиб келаётган кўпмиллатли оилалар қон-қонига син-гиб кетган қадрият. Гулистонлиқлар ана шундай қадрият билан яшайди. Унда ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ, корейс, рус, татар, тожик, қирғиз каби кўплаб миллат вакиллари тинч-тотув, бир ои-ладак умргузаронлик қилмоқда. Аҳо-лисининг асосий қисми томорқадан даромад топади. Улар билан суҳбат-лашсангиз, шевасидан қайси бири



қozoқ, қайси бири ўзбек, қайси бири қирғиз эканини ажратиш мушкул. Бир ўзандан сув ичиб, иссиқ-совуқ маро-симларда бир-бирига елкадош бўлиб яшаётган одамларда “сеники-меники” деган гап йўқ. Турли соҳа ва тармоқлар бўйича ишлар маҳаллабай тамойили, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га кирилган фука-ролар билан ишлаш асосида йўлга қў-йилган. Маҳалладаги аёллар сони 443 нафарни, ёшлар 385 нафарни ташкил

этади. Айни пайтда ишсиз юрган 16 на-фар йигит-қиз маҳалла ҳудудига яқин “Heder”, “Shams” корхоналарига ишга жойлаштирилди.

Маҳалла йиғини биноси рўпараси-да янги таъмирдан чиққан “Миллат-лар дўстлиги” маданият саройининг янгиланган манзараси маҳалла аҳли-га ғурур бағишлайди. Таъмирдан сўнг кўркам қиёфага кирган, замонавий ўқув ва тўғарак хоналарига эга бўлган сарой ҳудуддаги 16-умумтаълим мак-таби ҳамда, 9-МТТга яқин. Ота-онаси кун ўзоғи иш билан банд оилаларнинг фарзандлари ҳам қаровсиз қолмайди. Боиси дарсдан сўнг ўқувчилар вақти-ни маданият саройидаги тўғаракларда мазмунли ўтказди.

— Бу бино ўтган асрнинг 60-йил-ларида қурилган, — дейди маҳалла раиси Кенжабай Жаппаров. — Ўз дав-рида “клуб” номини олган, кейинчалик қаровсиз қолиб кетган. “Обод қишлоқ” дастури доирасида маҳалламизнинг кўркам бўлиши, “Миллатлар дўстлиги” маданият саройининг тамоман бошқа кўринишга кириб, маҳалла ёшларининг турли фан тўғаракларида ўз билимла-рини ошириши учун шароит яратилган барчаимизнинг қалбимизни шуқуҳ-лантирди.

Маданият саройига қадам қўйи-шингиз билан оқнинг файзи, маҳоба-ти кўнглингизга кўчади. Икки қисмдан иборат муҳташам фойенинг деворла-ри ноёб тарихий суратлардан тортиб, турли миллатларга хос маданиятлар, қадриятлар, урф-одатлар, Ватанимиз-нинг турли ҳудудлари манзаралари акс этган расмлар билан безатилган. Улар-ни бирлаштириб турган ўқилдиз битта: маданият ва санъат элларни-элларга, дилларни-дилларга туташтиради.

Бу ерда мамлакатимиз раҳбари ил-гари сурган бешта муҳим ташаббусни ҳаётга жорий этиш бўйича барча ша-роит мўҳайё. Маҳалланинг турли мил-латга мансуб ёшлари дарсдан буш вақ-тида ўзбек, қozoқ, корейс фольклори ва рақслари, драматургия сирларини ўр-ганиши, стол тенниси, шахмат-шашка, фитнес билан шугулланиши, рақамли технологиялар марказида мамлақати-миз ва хориждаги энг йирик электрон таълим ресурсларидан масофавий дарс олиши мумкин. Икки мингдан зиёд илмий-бадий адабиётларни мужас-

сам этган замонавий кутубхона эса дидни чархлайди, тафаккурни ўткир қиладди, тасаввурни кенгайтиради.

— Саройимизда беш муҳим ташаб-бус доирасида 5 йўналишда тўғарак фаолият юритмоқда, — дейди “Мил-латлар дўстлиги” маданият саройи раҳбари Ўғилйўл Қурбонова. — Бундан ташқари, рус, инглиз, корейс тилла-ри бўйича ҳам тўғараклар бор. Замо-навий хоналарда ёшлар фан ва касб сирларини пухта ўрганмоқда. Шахмат ва шашка тўғаракларига талаб кучли. Бу тўғаракка қатнашиш истагини бил-дирган катта ёшдагилар ҳам кўпайиб борапти.

“Миллатлар дўстлиги” маданият са-ройида ҳарбий оркестр, курсантлар ва рақс жамоалари оқсак марҳорат билан ижро этган санъат асарлари, ҳеч бир истисносиз, ёшу кексага олам-олам завқу шавқ улашди. Бинобарин, эн-дликда гулистонлиқлар яна санъат оғушига қайтиши учун кенг имконият яратилди. Ўзларининг умрбоқий мада-ниятларини шу сахнадан туриб намо-йиш этди.

Аҳамиятлиси, бу ерда тўлақонли концерт қўйиш имконини берадиган оркестр чоғувчилари учун махсус жой ҳам мавжуд. Ҳолбуки, бундай жойга эга бўлган сахналарнинг ўзи мамлака-тимизда санокли, Тошкент вилоятида ягона бўлиб, у ҳам бўлса, мазкур ма-даният саройида жойлашган. Шу боис, бу ерда олиб борилган мураккаб қури-лиш-таъмирлаш ишлари жараёнида уни сақлаб қолиш учун барча куч-им-коният сафарбар қилинди. Катта сахна ва залда яратилган бундай замонавий шароит эса, мана, энг машҳур санъат жамоаларига шу чекка қишлоққа келиб концерт бериш, спектакллар намойиш қилиш имконини яратди.

МЎЪЖИЗАГА ТЕНГ ЎЗГАРИШЛАР



Бугунги кунда Чиноз туманидаги кўп миллатли Эшонобод қишлоғи ҳам янгитдан чирой очиб, кун сайин ободонлашиб бормоқда. Бу ерда “Обод қишлоқ” дастури доирасида бунёд этилган замонавий таълим муассасалари, маданият уйлари-ю хизмат кўрсатиш масканларида яратилган қўлайлик, шарт-шароитлар катта шахарлардагидан сира қолишмайди.



Эшонобод қишлоғининг ўзига хос жиҳа-ти бор — унда бир эмас, ўнга яқин миллат вакиллари аҳил-иноқликда яшаб келмоқ-да. Ўзбек, қozoқ, қирғиз, тожик ва бошқа миллат вакилларида иборат 3700 нафар аҳоли 713 та хонадонда қўни-қўшни бўлиб истиқомат қилмоқда. Улар орасида, ай-ниқса, қozoқ миллиятига мансуб ҳамюртла-римиз кўпчиликини ташкил этади.

Қишлоққа тақлиф этилган бир ғуруҳ меҳмонлар, хусусан, вилоят ҳокимлиги вакиллари, қатор ташкилотлар мутаса-дилари ҳамда Қozoғистон Республикаси-нинг Туркистон вилояти ҳокими Умирзак Шукеев бошчилигидаги делегация аъзо-лари Эшонободда рўй бераётган катта ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлди.

Тошкент вилояти маркази Нураф-шон шаҳридан 80 километр, Чиноз ту-мани марказидан 20 километр олисда, қўшни Қozoғистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган “Эшонобод” маҳалласининг аввалги аҳоли ниҳоят-да ачинарли ҳолатда бўлган. Логистика, инфраструктура ва бошқа жиҳатлардан фуқароларга шароит яратиб беришда анчагина камчиликлар бор эди. Ҳудуд “Обод қишлоқ” дастурига киритилгач, аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида, аввало, маҳалла маркази қурилди. Унда рақамли технологиялар асосида 140 дан ортиқ хизматларни кўрсатишга мўлжал-ланган Давлат хизматлари марказининг филиали очилди. Ёшлар учун дам олиш масканлари бунёд этилди.

1990 йилда ташкил этилган 17-сонли мактабга таълим ташкилотининг дас-тур доирасида тўлиқ таъмирдан чиқари-лиши аҳоли кўнглидаги иш бўлди. Ҳозир ушбу масканда ўзбек, қozoқ, қирғиз, тожик тилларида таълим-тарбия олаётган 150 га яқин болалар аҳил-иноқликда мактаб таълимига тайёргарлик кўрмоқда.

Қишлоқдаги 350 ўринга мўлжалланган 20-умумий ўрта таълим мактабида ҳам дарслар ўзбек, қozoқ ва қирғиз тилларида олиб борилади. Таъмирлаш жараёни-да қўшимча равишда 180 ўринли бино қурилиб, замонавий асосда жиҳозланди. Мактаблардан узоқ бўлмаган жойда янги-дан қурилган болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси ҳам доим ўғил-қизлар билан гавжум.

Қўшни юртдан келган қардош би-родарларимизни турли миллат вакил-ларидан иборат қишлоқ аҳолиси юзда табассум, юқори кайфиятда қарши олди. Улар “Эшонобод” маҳалласида-ги янгиланмишлар, амалга оширилган ишлар билан танишиб, турфа миллат

ЭШОНОБОД ҚИШЛОҒИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТИ БОР — УНДА БИР ЭМАС, ЎНГА ЯҚИН МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИ АҲИЛ-ИНОҚЛИКДА ЯШАБ КЕЛМОҚДА. ЎЗБЕК, ҚОЗОҚ, ҚИРҒИЗ, ТОЖИК ВА БОШҚА МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ 3700 НАФАР АҲОЛИ 713 ТА ХОНАДОНДА ҚЎНИ-ҚЎШНИ БЎЛИБ ИСТИҚОМАТ ҚИЛМОҚДА.



анъаналари асосида безатилган ўво-лар олдида бошланиб кетган байрам тадбирида иштирок этди.

Махсус йўлак бўйлаб ёйилган ранг-ба-ранг безаклар, баралпа янраган куй-қў-шиқлар, рус, қирғиз, қozoқ ва бошқа мил-латларга хос миллий рақслар тadbирга янада кўтаринкилик бағишлади.

— Микёс ва мазмун жиҳатидан ни-ҳоятда кенг қўламга эга “Обод қишлоқ” дастури туфайли Эшонобод қишлоғи-да истиқомат қилаётган аҳоли ҳаётида мўъжизага тенг ўзгаришлар юз берди, — деди Чиноз тумани ҳокими Акмал-хон Мадиев. — Пандемия туфайли дунё давлатлари каби мамлакатимиз олди-да пайдо бўлган мураккаб муаммо ва қийинчиликлар, дуч келинган турли си-новларга қарамадан, катта ҳажмидаги қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб ва Эшонобод бамисоли мўъжи-завий шахарчага айланди. Қишлоғимиз 2019 йилда “Обод қишлоқ” дастурига киритилгач, юртошларимиз талабидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда,



“QOJAKENT TEXTILE” ТИКУВ ФАБРИКАСИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ҲАМ ТАНИШИЛДИ. 500 ГА ЯҚИН КИШИНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН МАЗКУР ТИКУВ ЦЕХИДА ИШЧИЛАР УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР МЎҲАЙЁ. БУ ЕРГА КЕЛГАН КИШИЛАР АВВАЛ 120 ЎРИНЛИ ЦЕХДА ЎҚИТИЛИБ, СЎНГ АСОСИЙ ФАБРИКАГА ЎТҚАЗИЛАДИ.

мактаб, мактабгача таълим муассасала-рини таъмирлашга киришилди. “Дўстлик” истироҳат боғига асос солинди. Унинг марказида китобга эҳтиромнинг ёрқин кўриниши сифатида монумент қад рост-лади. Бугун ана шу ишлардан қишлоқ аҳли мамнун. Шу масканни ўзига ватан ичра кичик ватан, деб билган, бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқликда яшаб келаётган юртошларимиз юз-кў-зидаги қувончининг, юракларни лиmmo-лим тўлдириб, ўшқин дараёдек тошиб чиқаётган зўр кўтаринкилик ва шукрона-лик кайфиятининг чек-чегараси йўқ.

Тadbирнинг асосий қисмида ишти-рокчилар қишлоқдаги “Qojakent Textile” тикув фабрикаси фаолияти билан ҳам танишди. 500 га яқин кишининг бандлиги таъминланган мазкур тикув цехида иш-чилар учун барча шароитлар мўҳайё. Бу ерга келган кишилар аввал 120 ўринли цехда ўқитилиб, сўнг асосий фабрикага ўтказилади. Келгусида фаолиятини тўқи-

— Бу соҳага қизиқаним, олий ўқув юртига киргунимга қадар иш ўрганиб, рўз-ғорга кўмаклашиш учун шу цехга келдим, — деди Қаҳрамон Нуруллаев. — Ҳозир ўрганиш босқичидаман. Тез орада тикув бўлимига ўтаман. Бу менинг келажакдаги фаолиятим учун катта тажриба мактаби бўлишига ишонаман.

Тикув корхонасида маҳаллий ҳомашё асосида таёёр маҳсулотлар, хусусан, турли хилдаги кийим-кечак, курткалар, костюм-ши, спорт кийимлари ҳамда махсус ишчи кийимлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулот-нинг асосий қисми қўшни давлатларга экс-порт қилинмоқда. Даромад ҳам ёмон эди. Қисқа вақтнинг ўзида 330 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Аҳамиятлиси, шу ерда хотин-қизларга тикиш-бичиш сир-асрорини ўргатувчи 200 ўринли замонавий ўқув маркази ҳам иш бошлаган.

Яна бир қувонarli жиҳати, қардош дўстларимиз билан ҳамкорликда Турки-стон вилоятида ҳам мазкур тўқимачилик фабрикасининг филиали очилди. У ерда ҳам аввал ёшлар ва хотин-қизлар чевар-ликка ўқитилиб, сўнг иш билан таъминла-ниши кўзда тутилган.

— Бугун Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларидан бирида яратилган ша-роитлар билан танишиб, ёшларнинг би-лим олиши, спорт билан шугулланиши ҳамда маданий ҳордиқ чиқариши учун кенг имкониятлар борилигига гувоҳ бўл-дик, — деди Туркистон вилояти ҳокими Умирзак Шукеев. — Айниқса, аҳоли учун бўш иш ўринлари яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бизга маъқул келди. Биз бу дастурда ҳамкор сифатида ишлаётган-нимиздан мамнунмиз. Боиси, Туркистон вилоятида ҳам бўш иш ўринлари яратиш-га эҳтиёж бор. Шу боис, бизнинг мазкур лойиҳага қизиқишимиз юқори ва келгуси-да бу борадаги ҳамкорлиқни янада кен-гайтириш ниятидамиз.

Чиноз туманида жорий йилда шунга ўхшаш минглаб янги иш ўринлари яра-тиладиган 30 дан зиёд лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Қишлоқларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўплаб ижтимоий соҳа объектлари, за-монавий уй-жойлар эса она заминимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилла-рига кўрсатилаётган бирдек эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин амалий ифодаси бўлмоқда.

Баҳорат ЮНУСОВА,
Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

ИФТИХОР

МИЛЛИЙ РУҲ, МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ МАНБАИ

Бошланиши 1-бетда

Тақдир тақозоси билан мажбурий ҳарбий хизматни Афғонистонда ўташимга тўғри келган. 1986 йилнинг кузида совет қўшинларининг дастлабки жанговар полклари афғон диёрини тарк этганида мен ҳам ўша сафда эдим. Термизга етиб келгач, дивизия штаби бошлиғи, колонна қўмондони ҳаммамизга ташаккур билдириб, оқ йўл тилади. Менга рўбарў бўлгач, алоҳида самимият билан деди:

— Уртоқ катта лейтенант, сиз Ўзбекистондан экансиз. Мен илгари ҳеч қачон бу юртда бўлмаганман. Мана шу имкониятдан фойдаланиб, бу ўлкани бир томоша қилиб кетсам, дегандим. Хизматчилик, яна бу ерларга келиш насиб қиладими-йўқми...

Мен бош ираб, ана шахрим — Самарқанд ҳақида сўзлай кетдим. Генерал мени тўхтаптиб: “Бўлди, Самарқанд орқали учиб кетаман, бирга йўлга чиқамиз”, дея гапни қисқа қилди.


Самарқандга келиб, сайрни Амир Темуր мақбарасидан бошладик. У пайтларда мақбара анчагина хароб, фақат кўҳна меъморий ёдгорлик сифатида туристларга хизмат қиларди. Ўзим ҳам, тўғриси, Амир Темуր ҳақида “Ватан тарихи” дарслигидан ўқиганларимдан бошқа нарсани билмас эдим. Шунинг учун қисқагина изоҳ бериб, меҳмонни Амир Темур дахмасига олиб тушдим. Шу ерда мақбара назоратчисини суҳбатга тортидим. У дахмадаги қабртошлар кимга тегишли экани, Иккинчи жаҳон уруши арафасида Амир Темур қабри очилгани ҳақида гапириб берди. Генерал унинг сўзларини диққат билан тинглар экан, кўзини Амир Темурунинг қабридан узмай, бирпас туриб қолди ва ўйчан қиёфада сўз қотди: “СССР Қуролли Кучлари олий академиясида бизга “Амир Темурунинг ҳарбий сиёсати ва жанг тактикаси” деган махсус фан ўқитилган. Барча генераллар бу фанни пухта ўзлаштириши қаттиқ талаб қилинарди. Буни қаранг, дунёга машҳур шундай тенгсиз саркарда сизнинг ватандошингиз, ўзбек миллатига мансуб экан-да! Бизга уни мўғул деб таништиришарди. Нега шундай улуғ инсоннинг мақбараси бу даражада хароб аҳволда?”, деб бошини сарак-сарак қилди. Ўшанда қалбимда миллий руҳ, миллий ғурур уйғонгандек бўлди. Шундан кейин ҳалиги меҳмонга қайси обидани кўрсатмай, уларнинг абгор аҳволидан хафалигим — аламга, аламин — нафратга айланиб бораверди. Шу кундан эътиборан, совет тузуми ўрнатган тартиб-қоидалар, аждоқларимизни обрўсизлантириш, халқимизни манкуртлаштириш сиёсати моҳиятига диққат қила бошладим. Ичим армонга тўлиб кетди...

Президентимизнинг йиғилишдаги: “**Мустабид тузум даврида тиз чўкиб, ерга қараб яшадик**”, деган ҳақоний сўзлари миллионлаб юртдошларимизнинг қалб ҳолатини, аҳволи-руҳиятини ифода этгандек бўлди.

Менга у кишининг бир фикри, айниқса, кучли таъсир қилди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий округлар ўртасида уч босқичдан иборат мусобақалар ўтказиш, ғолибларга муқаддас Ватан, куч-қудрат тимсоли бўлган Соҳибқирон Амир Темурунинг жанговар байроғини Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони сифатида шахсан ўзи топширишини маълум қилди. Ана шу сўзлар минбардан янраганда, йиллар давомида менинг қалбимни, нафақат менинг, балки кўплаб аждоқларимизнинг (Фитратнинг “Темур сағанаси” деган соҳмасини эсланг) юрак-бағрини ўртаган “Биз нега бунчалар заиф бўлдик?” деган саволга жавоб топгандек бўлдим. Чунки биз ўзгаларга қарамлик йилларида Амир Темурухидан, Амир Темурушиқоатидан, бой тарихимиздан узоқлашдик. Бугун Президентимиз ана шу буюқ қудратни яна халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига қайтармоқда.

Яратганнинг буюқ инъоми — мустақиллик тантана қилиб, армонларнинг ушалиш даври келди... Тараққиётда кимдандир ўздик, кимдандир орқада қолиб кетган жойларимиз ҳам бўлди. Ниҳоят дунё сиёсатида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлди. Бугун ҳаёт янгиланмоқда, қалб ва руҳ, онгу тафаккур янгиланмоқда.

Яқинда Англиядан бир ҳамкасбим архив материаллари билан танишиш учун



Тошкентга келди. Бир гал суҳбат асносида ёрилиб қолди: “Дўстим, хафа бўлмайсан-у, бир нарсга ҳайронман. Давлатчилигингиз тарихининг ўзи — катта бойлик-ку! Ён-атрофга қарасанг, баъзилар ўз халқи руҳини кўтариш учун ёлғон тарихни тўқиб-бичиб ётибди. Сизлар эса асрлар давомида шаклланган бор тарихни тиклашга ҳам қандайдир тортиниб тургандексизлар... Ёки мен ноҳақманми?”



Мутахассислар, тарихчилар, ижод аҳли, тилчию адабиётчилар — барча-барчамиз йиғилишда айтилган эзгу ғояларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг чуқур илмий асосларини топишимиз, нафақат ҳарбий атамалар, балки давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида ҳали-хануз амалда бўлган ва ҳатто ўзбекчаси борлиги унутиб юборилган, тарихан фақат ва фақат ўзимизга тегишли бўлган атамаларни жорий этиш, давлат тилининг ҳақиқий, амалий мақомини тиклашга эришиш — наинки вазифамиз, балки инсоний, фуқаролик бурчимиз бўлиши керак.



Инглиз дўстим мутлақо ҳақ эди. Ана шу сўзлар таъсирида юрган кунларимда Президентимизнинг Хавфсизлик кенгашидаги тарихий нутқини бевосита воқеа жойида ўтириб эшитиш бахтига муяссар бўлдим. Кўнглимда нукул бир фикр айланади денг: отга қамчи босадиган вақт келди! Мана, миллат раҳнамоси ҳам шуни таъкидламоқда.

Тарихдан маълумки, ислохотчиларга ҳеч қачон осон бўлмаган. Уларнинг ҳаёти мудом жиддий мураккаблик, синов ва хатарлар пўртанасида кечади. Аллоҳ таоло халқ тақдирига масъул бўлишни ирода этган бундай мард ва жасур зотларни Ўзи сақлайди ва қўллаб-қувватлайди. Бу — улуғ авлиё ва машойихларнинг китобларида келтирилган фикрлар. Бугунги кунда дунё миқёсида том маънода мард ва жасур йўлбошичи сифатида тан олинган ислохотчи халқимизни шиддат билан олдинга бошлаб бормоқда.

Албатта, йиллар давомида йўл қўйган кам-чилиқларимизни уч-тўрт йилда тузатиш осон эмас. Аммо шу йўлда жуда катта ва дадил қадамлар қўйилмоқда. Ўтган қисқа даврда давлат тилининг мақомини жойига қўйиш, шарти кетиб, парти қолган таълим тизимини тўғри ўзанга буриш, ўқитувчининг тушиб кетган мавқеи ва обрў-эътиборини кўтариш, бир-бирини инкор этадиган қонунларни тузатиш... булар осон иш эмас. Иқтисодиёт ва сиёсат, жамиятдаги муаммолар ҳақида-ку, гапирмасак ҳам бўлади. Барчаси режалли, чуқур ва ҳар тарафлама пухта ўйланган ҳолда ҳал этилмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари миллий армиямизнинг жанговар руҳини, ёшларимизда мардлик ва шижоат фазилатларини янада кучайтириш ҳақида жуда куюниб гапирди. Умуман, ёшларни буюқ аждоқларимиз анъаналари руҳида, ҳарбий-ватанпарварлик тамойиллари асосида тарбиялаш мазкур нутқнинг лейтмотиви — бош ғояси бўлди. Президентимиз буюқ бобомиз Амир Темуру “Тузуқлар”идан ёрқин тимсоллар келтирди. Ҳатто ҳарбий либослар ҳам миллий қадриятларимизга мос бўлиши лозимлигига алоҳида ургу берди. Ҳақ гап. Миллий руҳни байроқ қилиб кўтарган давлатларнинг ўз анъаналарини қандай фахр билан кўз-кўз қилаётгани жаҳон спорт майдонларида, илм-фан, маданият, аҳборот ва инновациялар соҳасида яққол намоён бўлмоқда. Бизга ҳам вақт келди, фурсат келди, имкон етди: ухласак — уйғониб, ётсак — туриб, юрсак — югуриб олдинга интилайлик энди. Та-саввуру қилинг, дунёдаги минг-минглаб туристлар атайлаб Лондонга қирол саройидаги фахрий қоруву алмашishi маросимини кўргани боради. Туркия ва Ҳиндистондаги ҳарбий маросимларни айтмайсизми? Яна қанча давлатлардан мисол келтиришим мумкин. Бизнинг уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ўзимизнинг армия-



миз ёхуд дунё ҳавас қиладиган ҳарбий жанг санъатимиз бўлмаганми? Ҳарбий унвон ва лавозимларимиз-чи?

Афғонистон мудофаа тизими америкача армия тизимини ўзлаштирган бўлса-да, улар ўз тарихий номлари, атамаларидан воз кечмади-ку! Ёки араб мамлакатларини олинг. Улар ҳам мустақлақчи тузумлардан кўп озор чеқди. Аммо мустақил бўлиши билан армиясида тарихий

анъаналарни тиклади. Чунки ёшларда миллий руҳни уйғотиш, улар учун идеал тимсолларни яратиш орқали мард ва жасур авлодни тарбиялашда бунинг таъсири бекиёс.

Маълумки, ёшлар ҳавасга, романтикага, идеалга интилувчан бўлади. Президентимиз ўғил-қизларимиз ана шундай идеални миллий армиямиз, аскар ва офицерларимиз, генералларимиз тимсолида кўрсин, уларга ҳавас қилсин ва интилсин, деган мақсадда бу масалани кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Шарқ донишмандлари “Кимлигини тушунтириб ўтирма, борини кўрсат”, дейди. Афсуски, биз узоқ вақт давомида бу ҳикматга амал қилмадик — ўзимизда борини ҳам ёшларимизга кўрсатолмадик. Энди хатони тузатадиган, айниқса, маънавий тарбия борасида “нишон”га тўғри урадиган вақт келди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқидаги ўта таъсирчан нуқталардан бири ҳарбий атамаларни ислоҳ қилиш ҳақидаги топшириқлар бўлди. Нафсиларини айтганда, ҳарбий либосларимиз собиқ тузум давридаги ҳолатдан фарқ қилмаслиги етмаганидек, ҳарбий атамаларимиз ҳам — эски “чопони”да турибди.

Давлатимиз раҳбарининг Қуролли Кучлар тизимида ўзбек тилини қўллашни кенгайтириш борасидаги фикрлари Учинчи Ренессансга пойдевор бўладиган тамойиллардан биридир. Нафақат армиямиз, балки бутун жамиятимизнинг жону тани бўлган миллий руҳни ана шундай шонли тимсоллар шакллантиради. Миллий атамалар



Яратганнинг буюқ инъоми — мустақиллик тантана қилиб, армонларнинг ушалиш даври келди... Тараққиётда кимдандир ўздик, кимдандир орқада қолиб кетган жойларимиз ҳам бўлди. Ниҳоят дунё сиёсатида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлди. Бугун ҳаёт янгиланмоқда, қалб ва руҳ, онгу тафаккур янгиланмоқда.

асрлар давомида томиримизда мудраб ётган ана шундай руҳни тирилтирадиган улкан қудрат манбаидир. Уларни ҳаётимиздаги ҳақиқий ўрнига қайтарсак, мен ишонаман, улар билан бирга буюқ Амир Темуру бобомиз ва бошқа аждоқларимиз руҳи, улуғ тарихимиз ҳам қайтади, бизга мададкор бўлади.

Нега тарихий, мумтоз бадий асарларни ўқишга қийналамиз? Чунки тарихимиздан узилиб қолганмиз. Улуғ саркарда аждоқларимиз ҳақида тарихий мавзуда ёзилган бадий асарларда “ўрон” сўзини учратсак, тушунмай қийналамиз. Уни “пароль” дейишса, тушунамиз. Бундай сўзлар кўп. Масалан, **адвий** — порох; **баковул** — хўжалик ва овқатланиш учун масъул шахс; **боргоҳ** — штаб; **бекларбеги** — штаб бошлиғи; **бўлжар** — плац; **бўлук** — батальон; **доруға** — комендант; **минглик** — минг аскарлик ҳарбий қисм, **мингбеги** — минг кишилик ҳарбий қисм қўмондони; **муниш** — писарь; **мурчил** — колонна, саф; **туман** — дивизия; **туманбеги** — дивизия қўмондони; **урду** — армия; **урдугоҳ** — лагерь; **ўнлик** — взвод; **ўнбеги** — взвод командир; **хўшун** — рота; **хўшунбеги** — рота командир; **чодир** — палатка; **навкар** — ҳарбий хизматчи (ёланма); **ясовул** — қўриқловчи, соқчи; **ўғруқ** — қўшин ортидаги таъминот қисми (тыл); та-вочи — альянс; **фавж** — отряд; **қаравул** — асосий кучлардан анча илгари юрадиган разведкачилар отряди; **ҳировул** — қўшиннинг илгор қисми; **довул** — барабан; **манқал** — печка (буржуйка), **садоқ** — ўқдон (магазин) ва ҳоказо.

Тарихчи мабашунос мутахассисларимизга мурожаат қилинса, юзлаб бундай атамаларни топиб беради. Уларни ҳарбий атамалар сифатида жорий қилсак, нафақат сўзимиз, балки ўзимиз ҳам ўзгарамиз. Улар жон томиримиздек бизники, ўзгаларники эмас! Ўзимизникини, аввало, ўзимиз тиклайлик, кейин бошқалар ҳавас қилиб биздан олсин.

Давлатимиз раҳбари бизни ҳам тафаккур майдонига тушишга даъват этиб, бонг урди. Мутахассислар, тарихчилар, ижод аҳли, тилчию адабиётчилар — барча-барчамиз йиғилишда айтилган эзгу ғояларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг чуқур илмий асосларини топишимиз, нафақат ҳарбий атамалар, балки давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида ҳали-хануз амалда бўлган ва ҳатто ўзбекчаси борлиги унутиб юборилган, тарихан фақат ва фақат ўзимизга тегишли бўлган атамаларни жорий этиш, давлат тилининг ҳақиқий, амалий мақомини тиклашга эришиш — наинки вазифамиз, балки инсоний, фуқаролик бурчимиз бўлиши керак.



Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, мусаввир Алишер АЛИҚУЛОВ асарларидан фойдаланилди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТСИЗ ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНМАЙДИ

Бошланғич 1-бетда

— Кейинги йилларда маданият соҳасида ҳам шаклан, ҳам маъмулан ўзгаришларни кўзатишимиз. Хўмрон мафкура, мустабид тузум таъсирида Ғарб маданиятига тақдидан ривожланган мазкур соҳани тубдан янгилашга барча имкониятлар яратиб берилди. Энди ана шу тақдидлардан муҳофаза қилиш, миллий ва айни пайтда умуминсоний қадриятлар асосида ривожлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Ҳар бир инсонда тафаккур, фикрлаш эркин, мустақил бўлиши керак. Оммавий тарзда бир хил фикрлаш ҳалокатли. Бунда ижод ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди. Ана шу маънода ўйламасдан тақдид қилиш миллий қиёфани, ўзликни унуттишга олиб келади. Айни пайтда дунё адабиёти, маданият ва санъатидаги илгор, умуминсоний қадриятларга йўғрилган гоёларни ўрганиш, ўзлаштириш талаб этилади.

Ҳар қандай соҳа бошқаларидан ажралган ҳолда яққа ўзи ривожлана олмайди. Бугун Ўзбекистонда миллий маданият ва санъатни ривожлантириш масаласига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралапти. Негаки, маданият ва санъат миллият тараққиёти йўлидаги низоҳатда аҳамиятли, ўта нозик соҳа. Чунки бу соҳа жамиятнинг юрагига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган, тилагига кўчадиган туйғулارни тарбиялайди.

Айтганингиздек, соҳада тубдан янгиланиш учун имкониятлар кенгайгани баробарида миллий маданиятимизни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган камчиликлар ҳам талайгина. Масалан, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ҳамда бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база йўқ. Ёки ёш ижодкорларга таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида тайинли тизим шаклланимаган. Бундан ташқари, маданият ҳамда давлат сиёсатини самарали олиб бориш, аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш, маданий хизматлар сифатини ошириш қийин вазифа. Бундан ташқари, аксарият маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базаси замон талабларига мос келмаслиги уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун имкон бермайди.

Яна бир катта муаммо — замонавий медиа-мақонда миллий маданиятимиз муносиб ўрин эгалламаган. Ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани соҳани халқаро маданий жараёнларга интеграция қилишга йўл бермапти. Бундан ташқари, миллий ижодий маҳсулотларни экспорт қилишнинг тузук-роқ тизими яратилмаган, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам етарлича йўлга қўйилмаган...

Хуллас, масалалар етарли ва уларни тизимли равишда ечиш учун ҳам миллий маданиятимизни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Энди ҳаммамиз уюшиб, жон қойитиб, миллий маданиятнинг барча йўналишлари — моддий ва номоддий маданий мерос, музейлар, театр, кино, цирк, миллий мусиқа, эстрада, рақс, тасвирий ва амалий санъатлар, маданият ҳамда истироҳат боғлари, маданият марказлари, илм-фан, таълим, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, маданият туризми соҳаларида натижа, ўзгаришлар қилиш, ривожланиш учун тинмай ишлашимиз керак.

Яна бир нарсани айтиш жоизки, бугун соҳа ходимларининг тизимга доир фармон ва қарорлар билан тўлиқ танишмаётгани, уларнинг мазмун-моҳияти, ижроси қўйи бўғинларгача етиб бормаётгани тизим ривожига тўсқинлик қилапти.

Бугун биз Учинчи Ренессанс олдимизга катта мақсад қилиб қўйдик. Бу борадаги ишхотларда маданият ва санъат соҳаси ходимлари энг олд сафда бўлиши керак. Тўғрироғи, биринчи галда, бизнинг ўзимиз ана шу мақсад моҳиятини чуқур англаб олишимиз керак. Фуқароларимизда жамият ривожига, уйғониш даврида менинг ҳам ҳиссам бўлиши керак, деган фикрни шакллантира олсак, режаларимиз, иш-тишларимиз янада тез ва юқори самара бера бошлайди.



— Маданий мерос ҳақида кўп гапиряпмиз. Вазирлик ҳузурида алоҳида департамент ҳам ташкил этилди. Бугун мамлакатда маданий мерос объектларини тиклаш, асраб-авайлаш, такомиллаштириш борасидаги ишлар кўлами қандай кечяпти? Биз қайси босқичдамиз?

— Ўзбекистоннинг маданияти мангуликка дахлдор, деган асосли жумлада биз маданий қадриятлар ва маданий мерос объектларининг улуғворлигини, авлодларимиз тарихини эслатувчи асосий манба эканини тушунамиз. Ушбу қадриятларимиз ва маданий мерос объектларимиз ёшлар тарбиясини мукаммал ривожлантириш, улар дунёқарабини ўзгартириб, глобаллашув замониде тубанликка тушиб қолмасликлариде асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистонда кенг кўламли демократик ишхотлар асосида Учинчи Ренессанснинг пойдеворини шакллантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш зарурлиги, янги миллий мафкурага айланиши, хусусан, маданий меросимизнинг халқаро андозларга мос равишда сақланишини таъминлаш мақсадида соҳа мутахассислари нималар қилишимиз кераклиги ҳақида безовта бўлмоқда, қайғурмоқда.

Бир қарашда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд, қонун бор, мутасаддилар бор, муаммо ҳам йўқдек туюлади. Дидримизда тахминан 8000 та моддий маданий меросимиз бор, уларни шу ҳолда сақлашда, авлоддан-авлодга ўтишини таъминлашда ёшларимиз катта куч ҳисобланади.

Ўзбекистонда 1996 йилдан “Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенцияси кучга кирди. 1991 йилда Хивадаги “Ичан қалъа”, 1993 йилда Бухоро тарихий маркази, 2000 йилда Шахрисабз тарихий маркази, 2001 йилда Самарқанд “Самарқанд — маданиятлар чоррахасида” номи билан Умумжаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилган. Бу ўз-ўзидан юқоридаги меросларимизнинг халқаро андозларга мос равишда сақланишини таъминлашимизни тақозо қилади.

Бу борадаги бирламчи вазифа соҳани билимдон мутахассислар билан тўлдиришдан иборат. Шу билан бирга, мавжуд соҳа мутахассисларини меросимизни халқаро андозларга мос равишда сақланишини таъминлашга қайта тайёрлаш, замонавий илм-фан, техника ютуқлари ва халқаро тажрибаларни ўрганиб, соҳага татбиқ этиш ҳозирги пайтдаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Мада-



ний мерос илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, институт Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти бизнесига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади. Бу билан маданий меросларимизни сақлаш ва келажак авлодга етказиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилди, деб ўйлайман.

— Халқ оғзаки ижодиётимиз ва миллий санъатимизни тарғиб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли халқаро фестиваллар ўтказяпмиз, санъат мактабларини очяпмиз. Бевосита устоз санъаткорларимиз ёшлар билан ишляппти. Бу қандай самара беряпти? Ёшларимиз миллийликка қайтапти, деб ҳисоблайсизми? Яна қандай ташаббуслар, янги лойҳалар бор?

— Республикамызда бугунги кунда 826 та маданий маркази фаолият юритади ва булар ҳаваскорлик санъатини ривожлантиришда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ушбу маданият марказларида жами 4522 та тўғарак мавжуд бўлиб, уларда 52 970 нафар ҳаваскор



фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундан 37 340 нафарини ёшлар ташкил этади.

Шунигдек, маданият марказларида 482 та халқ ҳаваскорлик мақомига эга бўлган жамоаларда жами 5000 дан ортқ ҳаваскор иштирок этиб келмоқда. Шу маънода, маданият марказлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга зарур шароитларни яратиб бериш муҳим ҳисобланади. Бугунги кунга қадар 367 та маданият маркази таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги фармони билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 25-бандида Маданият вазирлигига маданият марказлари учун янги бинолар қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш вазифаси юклатилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан “2021—2024 йилларда маданият марказларининг бинолари комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада 459 та маданият марказини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Соҳага оид энг қувончли ҳолатлардан яна бири шуки, Президентимизнинг 2019 йил 14 майда қабул қилган “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори асосида Термиз шаҳрида Республика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузурида Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Халқ оғзаки ижодининг дурдонаси бўлмиш бахшичилик санъатининг кенг тарғиб этиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси

ри асосида уйлар берилгани ҳам бахшичилик санъатини ривожлантириш истагидаги ёшларимизга янада куч бағишлаши, шубҳасиз.

Албатта, бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас. Хусусан, Маданият марказларида мусиқа чоғуғулари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси 60 фоизни ташкил этади. Чоғуғулар, овоз кучайтиригч ускуналари, сахна либослари ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур бўлади.

Маданият марказларининг молиялаштириш ҳамда намунавий штатлари жадвали бугунги замон талабига жавоб бермаётгани яна бир камчилик бўлса, Маданият марказлари биноси ва худудидаги ер майдонлари Маданият вазирлиги билан қелишилмаган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан захирга олиниб, хусусийлаштирилаётгани ҳам жиддий муаммолардан биридир.

Бундан ташқари, ҳатто нуфузли унвонга эга бўлган жамоаларнинг сахна кийимлари етарли эмас. Жамоалар томонидан вилоятнинг чекка худудларида, маҳаллаларда концерт томошаларини ташкил этишда транспорт ажратиш масаласи ҳам ечимини кутаётган муаммолардан.

Республика Бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармасини Тошкент шаҳрига қўчириш ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари бўлимларини ташкил этиш бахшичилик санъатини дунё миқёсида кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлади.

— Сиз етакчилик қилаётган соҳа гоёат серкира. Хусусан, тасвирий санъат, кино, театр, музейларсиз ҳеч бир халқ маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Юртимизда мазкур санъат турларига қаратилган эътибор, эришилаётган ютуқларга қандай баҳо берасиз?

— Аввало, музейлар мавзусига тўхталсам. Кейинги йилларда, айниқса, сўнгги 3-4 йилда музейлар соҳасига берилаётган эътибор, амалга оширилаётган ишлар, ютуқлар ҳақида жуда кўп гапириб мумкин. Бундан ташқари, Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам музейлар соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, муҳим вазифалар ва топшириқлар белгилаб олинди.

Жумладан, ўтган 3-4 йил давомида 10 дан ортқ янги музей ташкил этилди. Хусусан, Мўйноқ Экология музейи, Шахрисабз шаҳридаги Мақом музейи, Фарғона вилоятидаги Эркин Воҳидов уй-музейи ҳамда мемориал музейи, Хазиний уй-музейи, Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейи, Бухоро вилоятидаги Мутал Бурхоннов уй-музейи, Самарқанд вилоятидаги Эргаш Жуманўлбул ўғли ёдгорлиги музейи, Наманган вилоятидаги Исҳоқжон Ибрат, Жиззах вилоятидаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Шароф Рашидов ёдгорлик музейлари, Тошкент шаҳридаги Абдулла Қодирий уй-музейи ҳамда Абдулла Қодирий мемориал музейлари шулар жумласидан.

Ушбу давр давомида яна 15 га яқин музей биноларида реконструкция, таъмирлаш-тиклаш ишлари изчил олиб борилади. Бунга яққол мисол сифатида, Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида олиб бориладиган реконструкция, Самарқанд шаҳридаги Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейи, Чирчиқ шаҳар тарихи музейларида олиб бориладиган мукаммал таъмирлаш ишларини кўрсатиш мумкин.

Жумладан, 2020 — 2025 йиллар давомида босқичма-босқич ҳар бир туман ва шаҳарда тарих ва маданият давлат музейларининг филиаллари шаклида ўлкашунослик музейлари ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистон давлат санъат музейи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида музейшунослик, санъатшунослик, маданиятшунослик йўналишларида ихтисослаштирилган илмий ва илмий-методик кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди.

2020 йил сентябрь ойдан бошлаб давлат

музейларида ҳар ойнинг биринчи яшанбаси “Очиқ эшиклар куни”, деб эълон қилинди ва шу куни фуқароларнинг давлат музейларига бепул кириши йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон тарихи давлат музейи учун янги бинолар комплексини қуриш белгиланди. Шунингдек, театр санъати ўзининг жамият олдидеги вазифаси ва ривожланиш йўлини тўғри белгилаб олди, десак муболага бўлмайди.

Театр санъати асрлар давомида инсонларни тарбияловчи, маънавиятини шакллантирувчи қудратли восита ҳисобланган. Шу сабабли бўлса керак, сахна санъати мавқеини янада ошириш, моддий-техник базасини замон талабларига даражасида такомиллаштириш, замонавий биноларини қуриб фойдаланишга топшириш, энг муҳими, янги театрлар ташкил этиш борасида давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда театр санъатига, ижодкорларга эътибор кучайди. Биргина мисол, 2020 йилда 39 театрнинг 15 тасига спектакль сахналаштириш учун 2 миллиард 400 миллион сўм давлат буюртмаси ажратилди. Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика кўғирчоқ театрлари, ёш режиссёрларнинг “Дебют” кўрик фестивали, илмий-амалий конференция ва семинарлар ташкил этилди. Пьесалар танловлари ўтказилиб, ёлғиб муаллифлар тақдирланди. Драматургларнинг бир неча йиллик қалам ҳақидан қарздорлик бартараф этилиб, 41 нафар муаллифга қалам ҳақи тўлаб берилди.

Пандемия сабабли, нисбатан, оғир йил бўлишига қарамай, театрларимиз ҳам ўз вази-фаларини сидқидилдан бажармоқда, маълум муддат масофадан ишлаш тизимига ўтди. Йил давомида режага киритилган спектаклларнинг деярли 95 фоизи сахналаштирилди.

Улғу намоёндаларнинг хотира, таниқли санъаткорларимизнинг ижодий кечалари ва бенедислари ўтказилди.

Қарантин бўлишига қарамасдан, театрлар ҳамда Ўзбек давлат циркининг ижодий ходимлари ишдан узилмаган ҳолда, 2020 йил учун режалаштирилган 22 та гастролнинг 2 тасини жонли, қолган 20 тасини республика бўйлаб он-лайн амалга оширди.

Ўзбекистон Болалар ва ёшлар театрлари халқаро ассоциациясига аъзо бўлди. Тасвирий санъат ва кино соҳасида ҳам тўб бурилишларга гувоҳ бўляпмиз. Президентимизнинг 2020 йил 21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар фикримиз далилидир.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 20 ноябрь куни киноижодкорлар билан учрашувида соҳа истиқболи учун белгилаб олинган қатор вазифалар ўзбек киносининг порлоқ келажига қизмат қилади, деб ўйлайман.

— Айни пайтда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ректори ҳамсиз. Миллий мусиқа санъатига алоҳида олийгоҳ ташкил этиш даражасидаги жиддий эътиборга сабаб бўлган омиллар нималардан иборат, деб ўйлайсиз? Янги институтининг соҳани ривожлантиришдаги ўрни сизнингча қандай бўлади?

— Агар мақом санъатининг истеъмоличиси бўлмаса, 50 йилдан кейин бу санъат яшайдими-йўқми, деган жиддий масала кўндаланг бўлади. Бизга уни асраб қолиш баробарида давом эттирадиган, “менинг миллий бойлигим, гурурим ота-боболаримдан қолган мерос”, дея қадрлайдиган ёшлар, бу даражага етиш, мақомни ашифта олиш учун эса илм керак. Китооба, адабиётга, назмга ошно бўлмаган одам уни англай олмайди. Шу маънода, мазкур янги ташкил этилган институт, аввало, ёшларда миллий рух, унга ҳурматни тарбиялаш кўзда тутилган.

Қолаверса, ушбу институтининг ташкил этилишига маданият соҳасининг муайян эҳтиёжлари сабаб бўлди. Хусусан, мақом ижрочилиги, бахшичилик санъати бўйича юқори малакали мутахассислар, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, миллий мусиқа санъати ва халқ ижодиёти йўналишларида хорижий таълим муассасалари ҳамда марказлари билан халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, маданият муассасалари, бадий жамоалар билан талабалар амалиётини ташкил этиш каби кенг кўламдаги вазифалар, режалар институт зиммасига қўйилган. Табиийки, янги ташкил этилган институтининг асосий фаолият йўналишлари этиб белгиланган ушбу вазифаларни амалга ошириш борасида бутун жамоа билан жишласиш иш бошлади. Уйлаймизки, янги олийгоҳ маданият соҳасига, мақом санъатимизга энг профессионал, ҳар томонлама етуқ ва баркамол соҳа ходимларини муносиб тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса тараққиётимизнинг бош мезони бўлган маданий-маънавий эврилишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Муножат МҰМИНОВА суҳбатлашди.